

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

АППАРАТИ БҮЙИЧА

БҮЙРУҚ

2022 йил «3» октябрь

№ 143

Комиссия таркибини тасдиқлаш хақида

Самарқанд вилояти ҳокимлигига Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Самарқанд вилояти ҳокимлигига хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни ҳарид қилиш ва хисобдан чиқариш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Комиссия зиммасига қўйидаги вазифалар юклатилсан:

хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни етказиб бериш бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни етказиб бериш бўйича энг яхши ҳаридлар таклифларини танлаб олиш;

ҳаридлар танлови натижаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, имзо билан тасдиқлаш учун Ишлар бошқармаси бошлиғига тақдим этиш;

танловда аниқланган хўжалик юритувчи субъектлар билан хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни етказиб бериш бўйича уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, хўжалик шартномаси лойиҳасини 2 (икки) нусхада ишлаб чиқиш;

хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни етказиб бериш бўйича хўжалик шартномаси лойиҳасини тузиш учун юрист хизматидан фойдаланиш;

хўжалик шартномаси лойиҳаларини тасдиқлаш учун Ишлар бошқармаси бошлиғига тақдим этиш;

икки томонлама тасдиқланган ҳўжалик шартномасини рўйхатдан ўтказиш учун вилоят Газначилик бошқармасига кечиктирмасдан тақдим этишни ташкил этиш.

3. Моддий жавобгар шахсларга хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни ҳўжалик шартномасида белгиланган тартибда вилоят бўйича Газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, тўлов графигида белгиланган 15 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин олиш топширилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдирман.

Вилоят ҳокимлиги
Ишлар бошқармаси бошлиғи

Н.Сайдов



Баж.: З.Холмурадов

Вилоят ҳокимлигининг
2022 йил 3 октябрдаги 143-сонли буйругига
ИЛОВА

**Самарқанд вилояти ҳокимлигига хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар,
асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон
ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича
доимий ишловчи танлов (тендер)**

КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

- | | |
|----------------------|---|
| 1. К.Хушбаков | - вилоят ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosари котибияти мудири |
| 2. Ш.Кувватов | - вилоят ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича котибияти мудири в.б. |
| 3. Ф.Урдашов | - вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси бош мутахассиси |
| 4. А.Қодиров | - вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гурухи бош мутахассиси |
| 5. Ф.Нишонов | - вилоят ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий ишлар бўйича ўринbosари котибияти бош мутахассиси |

ИЗОҲ: Комиссия аъзоларининг лавозими ўзгарган тақдирда, мазкур лавозимга янги тайинланган масъул ходим комиссия таркибиға киради. Комиссия таркиби ҳар йили янги буйруқ билан тасдиқланади.